

## Зулфия Расулова

Термиз давлат Педагогика институти Педагогика кафедраси ўқитувчиси

Тел.99.248.23.75 [rasulovazulfiya281@gmail.com](mailto:rasulovazulfiya281@gmail.com)

**Аннотация:** *Оила - бу биринчи, табиий ва айни пайтда муқаддас бирлашма бўлиб, унда инсон зарурат кучига киради. У бу иттифоқни севги, имон ва эркинлик асосида қуришга чақирилган; унда юракнинг биринчи виждонли ҳаракатларини ўрганиши; ундан эса инсон маънавий бирлигининг кейинги шакллари - Ватан ва давлатга кўтарилади. Мақолада оила энг муҳим ижтимоий қадриятларга тегишли эканлиги, бу муқаддас даргоҳни севини ва ардоқлашни масъулият дея қарашлик ҳақида сўз боради.*

**Аннотация:** *Семья есть первый, естественный и в то же время священный союз, в котором человек входит во власть необходимости. Он был призван построить этот союз на основе любви, веры и свободы; изучить в ней первые сознательные движения сердца; и из него вырастают следующие формы человеческого духовного единства - Родина и государство. В статье говорится о том, что семья принадлежит к важнейшим общественным ценностям, что любить и чтить это святое место - это обязанность.*

**Abstract:** *The family is the first, natural and at the same time sacred union, in which a person enters into the power of necessity. He was called to build this union on the basis of love, faith and freedom; to study in it the first conscientious movements of the heart; and the next forms of human spiritual unity rise from it - the Motherland and the state. The article talks about the fact that the family belongs to the most important social values, that it is a responsibility to love and honor this sacred place.*

*Оила - умуминсониятнинг катта сиёсати. Аниқроғи - давлат сиёсати. Чунки, башариятнинг тириклиги, узлуксизлиги - оиладан! Ахир оиланинг энг бирламчи ва бевосита вазифаси, маънавият тили билан айтганда, муқаддас вазифаси - инсониятнинг занжирини соғлом, етук ва иқтидорли авлодлар билан улаб боришдан иборат -ку! Бу - ҳамма миллат, ҳамма давлат, ҳамма халқлар зиммасигаги шарафли ва масъулиятли вазифа.*

*Оила дастлаб икки кишидан барпо бўлади. Шаффоф ирмоқлар бири бирига кўшилиб жўшқин сой, дарёларни ташкил қилгани каби ўзбеклар учун катта оилалар урф ҳисобланади. Қўшгани билан қўша қаришни, серфарзанд бўлишни, ҳамма болалари йиғилиб келганда уйи тўйдек бўлиб кетишини, чиройли қаришни орзу қилмаган ўзбеклар, оила соҳиблари топилмаса керак.*

**Оила-** уюшган ижтимоий гуруҳ, унинг а'золари никоҳ ёки қариндошлик муносабатлари (шунингдек, болаларни тарбиялаш ё'ли билан), ҳаётнинг умумийлиги, о'заро ма'навий жавобгарлик ва ижтимоий зарурат билан боғ'ланиши мумкин, бу

жамиятнинг жисмоний ва жисмоний эҳтиёжларидан келиб чиқади. аҳолининг ма'навий такрор ишлаб чиқарилиши.

Оила энг муҳим ижтимоий қадриятларга тегишли. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий мавқеи, миллати, мулкӣ ва моддий аҳволдан ташқари, туғилгандан то умрининг охиригача оилавий ҳолат каби хусусиятга эга.

Бола учун оила - бу унинг жисмоний, ақлий, ҳиссий ва интеллектуал ривожланиши учун шароит шаклланадиган муҳит.

Вояга этган одам учун оила унинг бир қатор эҳтиёжларини қондириш манбаи ва унга турли хил ва жуда мураккаб талабларни қўядиган кичик жамоадир. Инсоннинг ҳаёт айланиш босқичларида унинг вазифалари ва оиладаги мавқеи кетма-кет ўзгаради.

Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланган. Ўзбек оилаларининг серилдизлик, сербутоқлик хусусиятлари қадим - қадимдан ва ҳозир бошқа миллат кишиларида ҳам ҳайрат, ҳам ҳурмат уйғотган хусусиятдир. Ўзбек оиласида аёл, она ана шу қўрғоннинг посбонлари, оиланинг муқаддаслигини таъминловчи мўтабар инсонлардир.

Қуръони каримда, ҳадисларда аёл - онани улуғлаш кераклиги ҳақида кўплаб ибратли кўрсатмалар бор. Уларнинг ҳаммаси аёл - онанинг оилада тутган ўрнидан келиб чиқиб айтилган, албатта. Негаки, дунёга янги келган фарзанд учун оила - илк тарбия маскани, шу муқаддас даргоҳнинг маънавий - ахлоқий муҳитини яратувчи мўтабар зотдир.

Момоларимиз ўз чекларига тушган бу қутлуғ вазифани жуда сидқидилдан бажариб келганлар. Ана шу момолар ўғитини эслаш, тиклаш, ривожлантириш ҳозирги кунда олдимизда турган энг долзарб вазифаларнинг бир учқуни десак тўғри бўлар. Қайси йўналишда бўлишидан қатъи назар, мамлакат тараққиётига оид ҳамма дастурларда миллатнинг юзи, нозик қалби, оп-номуси билан боғлиқ маънавий қадриятларга қайта-қайта мурожаат қилиниши, улардан қувват олиниши, эъзоз билан қаралиши бежиз эмас. Оила - башарият яратган бебаҳо, ёмби маънавий қадриятдир.

Қалбнинг иймонли ва раҳмонлилиги ёки, аксинча, бағритошлик ва иблислик ҳам оилада шаклланади.

Оналаримиз бу муқаддас вазифани жуда оддий йўл билан, яъни одоби, демакки халқ одобининг энг ибтидоий, лекин умри боқий, қадри абад қирралари - катталарга ҳурмат, кичикка иззат, муросаи мадора, юлдузга юлдузни мослаб яшаш кабиларни сингдириш, бу фазилатларни замонга қараб ривожлантириш, оиланинг ҳар бир аъзоси руҳида турғун қилиш билан ўтаганлар. Оқибатда халқимизга улуғ фарзандларни этиштириб берганлар.

Юқорида оила - нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсати, айтиш керакки - давлат сиёсати, дедик. Шунинг учун ҳам дунёда неча халқ, неча хил миллат, неча хил мамлакат бўлса, уларнинг нашр этган беҳисоб адабиётлари ичида оила, оилавий муносабатлар, оиланинг жамиятда тутган ўрни хусусида алоҳида варақлардан тортиб, катта-катта энциклопедияларгача, ҳукумат қарорлари, низомлардан тортиб, кодексларгача учратиш мумкин.

Оила муқаддас ва буюк неъмат ҳисоблангани учун ҳам жуда кўп донишмандлар оилани тузишни мамлакатни ташкил қилиш каби муҳим деб биладилар. Оиланинг барқарорлиги ва бахтли ҳаёти – шу мамлакатнинг юзи, обрўи деб қаралади. Тараққий этган давлатларнинг ўз мамлакатларида оилага бундай катта эътибор бериши, турли йўллар билан унинг нуфузини кўтаришга интилиши алсо бежиз эмас.

Бизда оилалар қураётганда анъанавий кўрсатмаларга амал қилинади. Асрлар давомида маънавиятимиз бойиб бораётганига, оилаларимиз мустаҳкамлигига бу кўрсатмаларнинг инсонпарварлиги, умрбоқийлиги сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас. Яхши оила хушхулкли, иймонли солиҳ кишиларни, ибратли инсонларни тарбиялайди.

Вояга етаётган ҳар бир киши оила тўғрисидаги яхши кўрсатма, йўриқ, тузук, қонун-қоидаларни яхши билиши лозим. Ана шу билим ва истак уларнинг ўз оилаларини кўркам тузувларига, шу кичкина мамлакатларни тўғри бошқарувларига ёрдам беради. Оилада поҳатли умр кечириш – баракотли умр кечириш демакдир.

Борди-ю оила тузук бўлмаса, тарбияга ҳам эътибор берилмаса, қанча буюк бўлса ҳам, бундай миллат дунёда узоқ яшай олмайди. Буни донишмандлар кўп таъкидлашган: “Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарсалар миллионлар ила саналадиган аскарлар-у, дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз ё бўлмаса, ҳеч бир замон эътибор бермасдан қоладиганимиз – оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этади ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қуради... Агар бир миллатга бундай ҳол рўбарў келса, у миллат китобининг сўнгги варағи очилади...”

Шунинг учун ҳам ҳамма асрларда, ҳамма халқ ва миллатларда дунёнинг буюк олим ва фузалолари, таниқли адиблари умрларининг охиригача қимматли соатларини оилани яратиш, уни барқарорлаштириш, инсонни энг ноёб фароғатдан баҳраманд қилиш бахтига муяссар этиш устида бош қотириб ўтказадилар.

Гарчи оила турмушни иқтисодий ташкил этувчи илк уюшма сифатида ибтидоий даврлардан бошлаб мавжуд бўлиб келаётган бўлса ҳам, даврлар ўтиши, “замонлар ўзгариши” билан оиланинг мақсад ва вазифалари ҳам ўзгариб, тобора такомиллашиб бораверади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 160 б.
2. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 21-бет.
3. Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент: “Адолат”, 2001.
4. Большая психологическая энциклопедия. Самое полное современное издание. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 287.

5. Иммануил Кант Педагогика тўғрисида. Немис тилидан М. Акбаров таржимаси. -Тошкент. “Нисо Полиграф”, 2013. - 232б.
6. Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика. - Тошкент, Ўқитувчи, 2001 й.
7. Худойкулов Х.Ж. Комиллик фазилатлари. -Тошкент: “Инновация-Зиё”, 2021 й.
8. Худойкулов Х.Ж.Бобоқулова Д.М. Педагогика Ўқув қўлланма / Олий таълим муассасалари учун дарслик. - Тошкент: “Инновация-Зиё”, 2021 й.